“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазири ўринбосари

А.Муминов

2022 йил “ 10 ” май

Ўзбекистон Республикасининг қабул қилинган янги қонун ҳужжатлари ҳамда қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун – моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш юзасидан навбатдаги йиғилиш

БАЁНИ №20

2022 йил 7 май Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи: А.Муминов – вазир ўринбосари

Қатнашганлар: Транспорт вазирлиги, ҳудудий бошқармалар, тизим ташкилотлари раҳбар ва ходимлари

Кун тартиби:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 апрелдаги “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги ЎРҚ-763-сон Қонуни мазмун-моҳияти ва аҳамияти муҳокамаси.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 апрелдаги “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги ЎРҚ-764-сон Қонуни мазмун-моҳияти ва аҳамияти муҳокамаси.

(Сўзга чиққанлар: Муминов, Орипов, Қурбонбоев, ... Муминов)

Кун тартибидаги масала юзасидан, Транспорт вазири ўринбосари А.Муминов йиғилишни очиб, юртимизда қонун ҳужжатларининг янгиланиши, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши, ҳаёт тарзига мослаштирилиши, енгиллик ва қулайлик яратилиши, мамлакатимизда айрим соҳаларнинг хавфсизлик жиҳатлари янада мустаҳкамланиши ҳамда такомиллаштирилиши, якка тартибдаги тадбиркорларнинг тўловга қобилиятсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш борасида, шунингдек бошқа жабҳаларда изчил ва жадал ишлар олиб борилаётганлигини, кун тартибига киритилган Қонунлар ҳам шулар

жумласиданлигини таъкидлаб, бу борадаги бошқа масалалар ҳақида баён қилди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан музокара учун сўз Юридик бошқарма бошлиғи **С.Гафаров**га берилди ва у ўз музокара нутқида, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-763-сон Қонунининг мақсади юридик ва жисмоний шахсларнинг, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорларнинг тўловга қобилиятсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатлигини, унинг амал қилиши давлат муассасаларига ва бошқа нотижорат ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмаслигини, бундан матлубот кооперативи ёки ижтимоий фонд шаклидаги фаолиятни амалга ошираётган юридик шахслар мустасно эканлигини, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатлигини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ-764-сон Қонунининг мақсади киберхавфсизлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатлигини, киберхавфсизлик тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатлигини, телекоммуникация тармоқлари ва алоқа каналларидаги тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг киберхавфсизлигини таъминлаш алоҳида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилишини, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ҳамда киберхавфсизлик тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилиши ва бошқаларни баён қилди.

Кун тартибидаги 1-масала юзасидан музокара учун сўзни бош юрисконсульт **А.Ориповг**а берди ва у ўз музокара нутқида, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 апрелдаги “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги ЎРҚ-763-сон Қонунига кўра, тўловга қобилиятсизлик аломатлари қуйидагилардан иборатлигини, вақтинча тўловга қобилиятсизлик – мажбуриятни 3 ойда бажара олмаслик (шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхоналар томонидан эса 6 ой ичида бажаролмаслик), доимий тўловга қобилиятсизлик – судга ариза бериш санасидаги ва ариза берилган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида қарздорнинг мажбуриятлари унинг активлари қийматидан ошиб кетиши, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш суд томонидан кўриб чиқилишини, қарздор пул мажбуриятларини бажармаганлиги муносабати билан унга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига қарздорнинг ўзи ва кредитор эгалигини, тўловга қобилиятсизлик аломатлари аниқланган тақдирда давлат солиқ хизмати, давлат статистика органлари ваколатли давлат органига устав фондида (устав капиталида) давлат улуши бўлган корхоналар ҳақидаги маълумотларни тақдим этиши шартлигини, тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомиллари қўлланилаётганда барча кредиторларнинг манфаатларини кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси ҳимоя қилишини, ушбу Қонун билан жисмоний шахсларни ҳам банкрот деб топиш мумкинлиги

белгиланганлигини, илгари қонунчиликда бундай тартиб-таомиллар назарда тутилмаганлигини, жисмоний шахсга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида судга ариза берган аризачи томонидан молиявий бошқарувчига ҳақ тўлаш учун суднинг депозит ҳисобварағига меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг етти баравари миқдорида олдиндан пул маблағлари ўтказилишини, тўловга қобилиятсизликнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилганда, агар қарздор билан бошқача келишув белгиланган бўлмаса, суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш харажатларининг ўрни қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида ариза берган аризачи томонидан қопланишини, бунда суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш учун суднинг депозит ҳисобварағига меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг етти баравари миқдорида олдиндан тўлов амалга оширилишини, суд бошқарувчисига ҳақ ҳар бир якунланган иши учун тўланишини, давлат активларини бошқариш агентлиги ваколатли давлат органи эканлигини, қарздорни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда судгача санация қилиш 12 ойдан 24 ойгача муддатга жорий этилишини, давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда судгача санация қилиш тартиб-таомили унинг самарасизлиги аниқланганлиги муносабати билан бекор қилиниши мумкинлигини, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш суд мажлисида қарздорнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза иш юритишга қабул қилинганлиги тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан 2 ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқилиши кераклигини, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишни кўриш алоҳида ҳолларда 1 ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкинлигини, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш бўйича суд ҳужжатлари дарҳол ижро этилиши лозимлигини, суднинг жисмоний шахснинг қарзини таркибий жиҳатдан ўзгартириш режасини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрими ёки жисмоний шахсни банкрот деб топиш ва унинг мол-мулкини сотиш тартиб таомилини бошлаш тўғрисидаги қарори чиқарилгунига қадар ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишга йўл қўйилмаслигини, жисмоний шахснинг мулкий ҳолати яхшиланган тақдирда, кредиторлар йиғилиши жисмоний шахснинг қарзини таркибий жиҳатдан ўзгартириш режасига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги илтимоснома билан судга мурожаат қилишга ҳақлилигини, ушбу Қонун кучга кириши билан 1994-йил 5-майдаги “Банкротлик тўғрисида”ги Қонун ўз кучини йўқотишини, Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киришини ва бошқаларни баён қилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан музокара учун сўз етакчи юрисконсульт **Б.Қурбонбоев**га берилди, у ўз нутқида: Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 апрелдаги “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги ЎРҚ-764-сон Қонунида соҳадаги асосий тушунчаларга таъриф берилганлигини, унга кўра, кибержиноятчилик - ахборотни эгаллаш, уни ўзгартириш, йўқ қилиш ёки ахборот тизимлари ва ресурсларини ишдан чиқариш мақсадида кибермаконда дастурий таъминот ва техник воситалардан фойдаланилган ҳолда амалга ошириладиган жиноятлар йиғиндиси ҳисобланишини, Кибермакон эса – ахборот технологиялари

ёрдамида яратилган виртуал муҳитлигини, шунингдек, қонунда бошқа кўплаб зарурий атамаларга ҳам изоҳ берилганлигини, Қонунга кўра, кибермаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш давлатнинг киберхавфсизлигини таъминлашда устувор ҳисобланишини, киберхавфсизлик соҳасидаги ягона давлат сиёсатини Президент белгилашини, давлат хавфсизлик хизмати киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатли давлат органи ҳисобланишини, Қонунга кўра, давлат органлари ва ташкилотлари киберхавфсизликни таъминлаш мақсадида ваколатли давлат органидан кибертаҳдидлар, дастурий таъминотдаги, ускуналар ва технологиялардаги заифликлар тўғрисидаги ахборотни олиш ҳуқуқига эга эканлигини, давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ҳамда ресурслари маълумотларининг сақланишини таъминлаш маълумотларнинг захира нусхаларини яратиш йўли билан амалга оширилишини, уларнинг сақланиш муддати охирги 3 ойдан кам бўлмаслиги кераклигини, Киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертиза мажбурий тартибда ёки киберхавфсизлик субектларининг ташаббусига кўра амалга оширилишини, қуйидагилар киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан мажбурий тартибда экспертизадан ўтказилиши лозимлигини, булар, давлат органларининг ахборот ресурслари, давлат органларининг ахборот тизимлари, муҳим ахборот инфратузилмаси обектлари тоифасига киритилган ахборот тизимлари эканлигини, экспертиза ўтказиш тартиби ваколатли давлат органи томонидан белгиланишини, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимлари ҳамда ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун қўлланиладиган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий воситалар мажбурий тартибда сертификатлаштирилиши лозимлигини, ахборот тизимлари ва ресурсларида аниқланган заифликлар, кибертаҳдидлар, киберҳужумлар ҳамда бошқа бузғунчилик ҳаракатлари тўғрисидаги, шунингдек ахборотлаштириш обектлари ҳақидаги ахборот уларни ҳимоя қилиш бўйича тегишли чоралар кўрилганидан кейин киберхавфсизлик субектининг рухсати билан ошкор қилиниши мумкинлигини, ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан 3 ой ўтгач кучга киришини ва бошқаларни баён қилди.

Мазкур мавзулар бўйича презентацион материаллар (слайд, аннотация, инфографика) ходимлар учун намойиш этилди ва тушунтириб берилди.

Кун тартибига киритилган масалалар атрофлича муҳокама қилиниб, йиғилиш иштирокчилари томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар, савол-жавобларни инобатга олган ҳолда, йиғилиш **қарор қилади:**

Вазирлик, ҳудудий бошқармалар, тизим ташкилотлари раҳбар ва ходимлари:

- қонун ҳужжатларида белгиланган нормаларни янада пухта билиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда биринчи навбатда бу қоидаларга қатъий амал қилиш, амалиётда тўғри тадбиқ этиш ва қўллаш алоҳида эътиборга олинсин;

- юридик хизмат ходимлари томонидан ўз ташкилотларида ходимларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишлар узлуксиз давом эттирилсин;

- ахборот хавфсизлиги бўйича назорат янада кучайтирилсин;

- барча ходимлар томонидан, янги қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун моҳияти билан танишиб, ўзларининг билим ва кўникмаларини мунтазам равишда ошириб боришлари лозимлигига эътибор қаратилсин.

Баённи олиб борувчи **Ж.Муртазаев**

JISMONIY SHAXSLAR HAM BANKROT DEB TOPILISHI MUMKIN

Qonunga ko'ra, to'lovga **qobiliyatsizlik alomatlari** quyidagilardan iborat:

- **vaqtincha to'lovga qobiliyatsizlik –** majburiyatni 3 oyda bajara olmaslik *(shaharni tashkil etuvchi korxona hamda unga tenglashtirilgan korxonalar tomonidan esa 6 oy ichida bajarolmaslik)*
- **doimiy to'lovga qobiliyatsizlik –** sudga ariza berish sanasidagi va ariza berilgan yilning boshidagi hisobot davrida qarzdorning majburiyatlari uning aktivlari qiymatidan oshib ketishi

To'lovga qobiliyatsizlik to'g'risidagi ish **sud tomonidan** ko'rib chiqiladi

Qarzdor pul majburiyatlarini bajarmaganligi munosabati bilan unga nisbatan to'lovga qobiliyatsizlik to'g'risida ish qo'zg'atish haqidagi ariza bilan **sudga murojaat etish huquqiga qarzdorning o'zi va kreditor ega**

To'lovga qobiliyatsizlik alomatlari aniqlangan taqdirda davlat soliq xizmati, davlat statistika organlari vakolatli davlat organiga ustav fondida (ustav kapitalida) davlat ulushi bo'lgan korxonalar haqidagi ma'lumotlarni taqdim etishi shart

Qonun bilan **jismoniy shaxslarni ham bankrot deb topish** mumkinligi belgilandi. Ilgari qonunchilikda bunday tartib-taomillar nazarda tutilmagan

Jismoniy shaxsga nisbatan to'lovga qobiliyatsizlik to'g'risida ish qo'zg'atish haqida sudga ariza bergan arizachi tomonidan moliyaviy boshqaruvchiga haq to'lash uchun sudning depozit hisobvarag'iga **mehnatga haq to'lash eng kam miqdorining 7 baravari miqdorida oldindan pul mablag'lari** o'tkaziladi

Qarzdorni davlat tomonidan yordam ko'rsatgan holda sudgacha sanatsiya qilish **12 oydan 24 oygacha muddatga** joriy etiladi

Davlat tomonidan yordam ko'rsatgan holda sudgacha sanatsiya qilish tartib-taomili uning samarasizligi aniqlanganligi munosabati bilan **bekor qilinishi mumkin**

To'lovga qobiliyatsizlik to'g'risidagi ish **2 oydan ortiq bo'lmagan muddatda** ko'rib chiqilishi kerak

To'lovga qobiliyatsizlik to'g'risidagi ish bo'yicha **sud hujjatlari darhol ijro etilishi** lozim.

Manba: O'RQ–763-son, 12.04.2022-y. @huquqiyaxborot

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ҲАМ БАНКРОТ ДЕБ ТОПИЛИШИ МУМКИН

Қонунга кўра, тўловга **қобилиятсизлик аломатлари** қуйидагилардан иборат:

- **вақтинча тўловга қобилиятсизлик** – мажбуриятни 3 ойда бажара олмаслик *(шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхоналар томонидан эса 6 ой ичида бажаролмаслик)*
- **доимий тўловга қобилиятсизлик** – судга ариза бериш санасидаги ва аризс берилган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида қарздорнинг мажбуриятлари унинг активлари қийматидан ошиб кетиши

Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш **суд томонидан** кўриб чиқилади

Қарздор пул мажбуриятларини бажармаганлиги муносабати билан унга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза билан **судга мурожаат этиш ҳуқуқига қарздорнинг ўзи ва кредитор эга**

Тўловга қобилиятсизлик аломатлари аниқланган тақдирда давлат солиқ хизмати, давлат статистика органлари ваколатли давлат органига устав фондида *(устав капиталида)* давлат улуши бўлган корхоналар ҳақидаги маълумотларни тақдим этиши шарт

Қонун билан **жисмоний шахсларни ҳам банкрот деб топиш** мумкинлиги белгиланди. *Илгари қонунчиликда бундай тартиб-таомиллар назарда тутилмаган*

Жисмоний шахсга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида судга ариза берган аризачи томонидан молиявий бошқарувчига ҳақ тўлаш учун суднинг депозит ҳисобварағига **меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 7 баравари миқдорида олдиндан пул маблағлари** ўтказилади

Қарздорни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда судгача санация қилиш **12 ойдан 24 ойгача муддатга** жорий этилади

Давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда судгача санация қилиш тартиб-таомили унинг самарасизлиги аниқланганлиги муносабати билан **бекор қилиниши мумкин**

Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш **2 ойдан ортиқ бўлмаган муддатда** кўриб чиқилиши керак

Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш бўйича **суд ҳужжатлари дарҳол ижро этилиши** лозим.

Манба: ЎРҚ–763-сон, 12.04.2022 й. @huquqiyaxborot

KIBERXAVFSIZLIK QONUN BILAN TARTIBGA SOLINDI

Manba: O'RQ–764-son, 15.04.2022-y. @huquqiyaxborot

Kibermakonda shaxs, jamiyat va davlat manfaatlarini tashqi va ichki tahdidlardan himoya qilish davlatning **kiberxavfsizligini ta'minlashda ustuvor** hisoblanadi.

Kiberxavfsizlik sohasidagi yagona davlat siyosatini **Prezident** belgilaydi.

Davlat xavfsizlik xizmati kiberxavfsizlik sohasidagi vakolatli davlat organidir.

Kiberxavfsizlik talablariga muvofiqlik yuzasidan **ekspertiza majburiy tartibda** yoki kiberxavfsizlik subyektlarining tashabbusiga ko'ra amalga oshiriladi

Quyidagilar kiberxavfsizlik talablariga muvofiqlik yuzasidan **majburiy tartibda ekspertizadan o'tkazilishi lozim:**

- davlat organlarining **axborot resurslari**
- davlat organlarining axborot tizimlari
- muhim axborot infratuzilmasi obyektlari toifasiga kiritilgan axborot tizimlari.

Ekspertiza o'tkazish tartibi vakolatli davlat organi tomonidan belgilanadi.

Ushbu Qonun rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran **3 oy o'tgach** kuchga kiradi.